



# ФАҚАТ ОРЗУ КИФОЯ ЭМАС

Тинчлик — азиз неъмат. Осойишталик, барқарорлик бўлган жойда бунёдкорлик, ривожланиш давом этаверади, инсонларнинг турмуши фаровонлашаверади. Туйлар, байрамлар кўпаяди, янги авлод улғаяди. Шундай экан, бундай жамиятнинг келажаги порлоқ бўлиши шубҳасиз.

Панжоб штатида автобус портлатилиши натижасида 2 киши ҳалок бўлди, 15 киши тан жароҳати олди. Март ойида Исроилнинг Нетания шаҳри марказида жойлашган меҳмонхонада содир этилган портлаш 29 кишининг ҳаётига зомин бўлди ва 100 дан зиёд кишининг жароҳатланишига олиб келди. Апрельда яна шу мамлакатда автобус портлатилиши натижасида 10 киши қурбон бўлди, 25 киши касалхоналарга келтирилди. Шу ойда Филиппиннинг жанубида жойлашган Хенераль-Сантос шаҳрида амалга оширилган қўпуровчилик 14 кишининг бевақт оламдан қўз юмиши ва 50 дан-зиёд кишининг жароҳатланишига сабаб бўлди. 9 май кuni Догонистоннинг Каспийск шаҳрида содир этилган террорчилик ҳақон қалбларини ларзага солмоқда. Ҳозиргача ҳам бегуноҳ қурбон бўлган 42 фахрий, ёш болалар ва ҳарбийлар қариндошларини, ақилларини

қўз ёшлари тўхтагани йўқ. Афсуски, шу ой ҳам тинч бошладан деёлмаймиз. Яқиндагина Исроилнинг Мегиддо шаҳрида йўловчи автобус портлатилиши ҳам 17 кишининг ҳаётини бевақт тўхтади, 30 киши ҳамон касалхоналарда даволанапти.

## Огоҳлик

қандай даволаш мумкин? Қон бўлган юракларга қандай малҳам топиш мумкин? Бу далайлари келтирилган мақсад бировни қўрқитиш ёки уюргага ҳақик солиш эмас. Биз бундан асло йироқмиз. Биз бошқа нарсани, яъни террорчилик жаҳоннинг турли мамлакатда, турли вақтда, жойда амалга оширилиши мумкинлигини ва унинг учун ҳеч қандай азиз нарса йўқлигини, айтиб ўтилган бошқа иллатлар ҳам тинч ҳаётимизга таҳдид

солаётганини исботламоқчимиз, холос. Юқорида келтирилган мамлакатларда яшовчилар ҳам ҳозирда қўпуровчиликларнинг олдини олиши мумкин эди-ку?

Бу воқеалар тинчликни йўқотиб қўйиш нақадар осонлиги, ёвузликнинг ҳақиқат таг-туби билан қўпуриб ташланмаганидан далолат бериб турибди. Тўғри, мамлакатимизда бу иллатларга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир маҳаллада посбонлар жорий қилингани ҳам ижобий самара бермоқда. Уларнинг ёрдамида шу йилнинг бошидан буён 1500 дан зиёд ва бевосита иштирокида 560 та жиноят фош этилган. Жами 21668 та ҳуқуқбузарлик аниқланган, содир этилиши режалаштирилган 222 жиноятнинг олдини олишга муваффақ бўлинган.

Булар қуруқ ҳисоботга ўхшаб қўрилиши мумкин, албатта. Аmmo бу рақамлар

қанча-қанча ноҳушликларнинг олди олинганлигини, ёвузликлар амалга оширилмаганини кўрсатиб турибди.

Барқарор турмуш ҳар биримизнинг орзу-ниятидир, ўзгаришлар керак. Фарзандларимизнинг боғчадан, мактабдан ёки ҳовлида ўйнаб соғ-омон қайтишини ҳар бир инсон истайди. Аммо биргина истакнинг ўзи билангина мақсадга эришиб бўлмаслиги барчага аён. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шунки, эзгу ният йўлида инсоннинг сая-ҳаракат қилиши талаб этилади. Демак, биз осмонимиз мусалфа бўлиши, кундалик ҳаётимиз осуда кечиши, фарзандларимиз бахтли болалигининг ҳар лаҳзасидан завқ суғурга тулишилар учун собитқадамлик билан ҳаракат қилмоғимиз, бунинг учун эса, энг аввало, ҳушёр турмоғимиз даркор. Зеро, Президентимизнинг "Огоҳ бўлинг, одамлар!" — деган даъвати ҳақиқат бонг ургандек янграб туриши керак. Ўз эркимизни бутунга мураккаб ва баъзан шавқатсиз дунёдаги ҳалдан зиёд хавфхатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқлигини барор сония ҳам унутмаслигимиз керак.

Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Шаҳарсозлик: АНЪАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК



Юртимизнинг Хива, Самарқанд, Бухоро каби гўзал шаҳарлари, уларга қадимий тарихий ёдгорликлар асрлар мобайнида жохон эътибордан тушмай келаётган. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин бу шаҳарлар, айниқса, пойтахтимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди, ўтмиш ва замонавий меъморилик аъёнларини ўзига уйғунлаштирган шаҳарсозлик ишлари беккиё ривожланди.

Шу маънода Германиянинг Штутгарт шаҳрида 7-13 июнь кунлари бўлиб ўтган "Ўзбекистон шаҳарлари: анъана ва замонавийлик" мавзусидаги симпозиум алоҳида аҳамият касб этди. Таъбирдан юртимиз олимлари билан бир қаторда хорижий тадқиқотчиларнинг Теурирлар даври меъморилик, Бухоро шаҳарсозлик тарихи, соҳада истиқбол йилларида шаклланиган янги йўналишларга оид қизиқарли маърузалари тинланди.

Таъбир доирасида қадимий анъаналар ва замонавий шаҳарсозлик услублари оид учрашувлар ва суҳбатлар бўлиб ўтди. — деди симпозиум катнашчиси, Ўзбекистон Бадий академияси бош илмий котиби, Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти директори Акбар Абдуллоев ўза мухбири. — Келгусида бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш, юртимизда шаҳарсозлик ва меъмориликка оид илмий анжуман ўтказишга келишиб олинди.

Назокат УСМОНОВА, ўза мухбири.

Истеъдодли ўзбек кинорежиссёри Нозим Аббосовнинг "Феллини" бадиий фильми Австриянинг Иннсбрук шаҳрида ўтган халқаро кинофестивали Гран-при, яъни бош соврин билан тақдирланди.

## ЎЗБЕК ФИЛЬМИГА БОШ СОВРИН

Нозим Аббосов бир нечта бадиий ва ҳужжатли фильмлар яратган.

Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ шаҳрида суратга олинган мазкур фильм 2000 йилда Нью-Йоркнинг бир қатор кинотеатрларида намойиш этилган, Варшава халқаро фестивалида соврин билан тақдирланган. Худди ўша йили Бухоро миллий фильмлар фестивалида "Феллини" фильми "Энг яхши режиссёрлик", "Энг яхши бахторлик", "Энг яхши рассомлик", "Энг яхши аёл роли учун", "Энг яхши эркак роли учун" йўналишлари бўйича совринларга сазовор бўлган. Ўтган йили бу фильм Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида "Янги мустақил кино" шиори остида ўтказилган халқаро фестивалда киносанъатимизнинг жиддий ютуғи сифатида эътироф этилди.

"Феллини" фильмида Оролбўйида юз берган ноҳус экологик вазият ва уни бартараф этиш йўллари устидаги таҳлиллар ёрқин ифода-ланган. Муаллиф қорақалпоқ йиғитининг санъатта қизғинлиги туйғулари билан ва қабилани олиши ва кишилар орасида ҳурмат қозониши воқеаларини таъсирчан тарзда тасвирлай олган.

Хулқар СОДИҚОВА, ўза мухбири.

## ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

### «Саховат» уйи эшикларини очди

Инсонни қадрлаш, уни иззат қилиш жамиятимизда одатий ҳолга айланган. Узоққа бормайлик. Сирдарё вилояти ҳокимлиги Янгиер шаҳридаги «Саховат» уйига янги бино ажратилишига қарор қилди. Қуёқ даҳртзор бағрида жойлашган оромгоҳни таъмирлашга жадал киришилди. Бу яхши ишга нафақат шаҳар, балки вилоятдаги энг йирик ташкилот ва корхоналар ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшилиди. Қисқа муддат ичида бино таний бўлмас қиёфа касб этди. Оромгоҳ ҳовлиси, ошхона, ҳордиқ хоналари бутунлай қайтадан қурилди.

— Айни кунда бу ерда 80 нафар отахону онахон истиқомат қилмоқда, — деди «Саховат» уйининг директори Олимжон Ҳамидов. — Мана шундай ажойиб кошоани бизга тўғра эътизи учун вилоят ва Янгиер шаҳар ҳокимлигига, вилоят меҳнат ва аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси раҳбарларига, ҳомий ташкилотларга самийий ташаккуримизни билдирамиз. Дан олиш маскани замонавий ҳиҳозлар билан таъминланган. Эндилдиқда ёлғиз ва қаровчисиз қолган қарияларимиз меҳр ва ғамхўрлик оғушида ҳаёт кечирадиган бўлишиди. Жамоамиз аъзолари уларнинг вақтини ҳуш ўтказиш учун ҳамиша шай. Зеро, меҳр ва эътибор инсонга хос энг олий туйғудир.

А.ХОНИҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ЗАР КАДРИ

Тезмакорлик турмушини беэши шубҳасиз. Айниқса, ҳар томчи зарга менгзавучи суви тежаш. Бу борада пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида амалга оширилган ишлар эътиборга лойиқдир. Туманда ичимлик суви беҳуда сарфланганининг олдини олиш мақсадида ҳозирга қадар 3262 хонадонга сув ҳисоблагич асбоблари ўрнатилди. Бош муҳандис Мурод Мақсудов, муҳандис Абдуғафур Вақобов, чилангарлар Р. Бойматов, О. Бойматов, Т. Абдурақобовларнинг баракали меҳнатлари туйғулган ҳар ойда 300 дан зиёд хонадонга ана шундай асбоб ўрнатилмоқда. Эътиборли томони сув ўлчанич мосламаларининг бепул ўрнатиб берилётганидир.

Деврон АХМАД.

## Идоралараро ишчи гуруҳи мажлиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шуманай ва Бўзатов, Самарқанд вилоятининг Нуробод, Навоий вилоятининг Тоди ва Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманлари ҳокимларининг ҳисоботи тинланди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай ва Бўзатов туманлари ҳокимликлари томонидан, айрим муаммолардан қатъи назар, муайян ишлар бажарилаши, хорижий инвеститсиялар иштирокида корхоналар ташкил этилиши таъкидланди.

Айни пайтда Самарқанд вилояти Нуробод тумани ҳокими И.Азимовнинг ҳамда Навоий вилояти Тоди тумани ҳокими А.Назаровнинг бу борадаги фаолияти ўза қонирасиз деб топилди. Улар 6 йилдан ортиқ вақт мобайнида мажур лавозимларда ишлаётганликларига қарамай, ўзлари бошқарётган туманларда хорижий инвеститсиялар иштирокида биронта ҳам корхона ташкил этишмаган.

Ушбу туманлар ҳокимларининг айни пайтда мажур масала

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 минг нафарга яқин хотин-қиз илмий-тадқиқот ишлари билан фаол шуғулланмоқда. Улар орасида илмий муассаса ва ташкилотларга раҳбарлик қилаётган таниқли жамоат аربоблари ҳам бор. Ана шундай олимпиада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Полимерлар қимёси ва физика институтига Қарияларнинг қадрлаш йилига бағишланган "Ўзбекистон илмий-тадқиқотчилари давлат сийосати хотин-қизларнинг жамиятдаги нафусини оширишга, уларнинг мамлакат ҳаётидаги турли жаҳадларга фаол иштирокини таъкидлади. Бу борада хотин-қизларнинг ижтимоий маъқени ошириш, ишбилармонлик ва ижодий қобилиятларини намоён этиши, оиласини мустаҳкамлаши, фарзандларини маънавий ва jisмоний соғлом инсон қилиб тарбиялаш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган қатор мақсадли дастурлар

қонлар маҳаллий деҳқонларнинг энг унумдор ерларидан сиқиб чиқара бошлиди, бунинг натижасида халқнинг норозилиги ва қаршилиги кучайди. Россия империяси томонидан Туркистоннинг истило қилиниши сабабларига мурожаат қилар экан, Англия билан мажур минтақадаги рақобат, пахтага бўлган эҳтиёж, босқинчиларнинг ўз таъбири билан айтганда, четараларни мустаҳкамлаш ва уларни Урта Осиё "қўчманчилари" ҳужумидан ҳимоя қилиши бу сабаблардан бири сифатида санаган одат бўлиб қолганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Лекин, бизнингча, бунинг асоси

зига 68,8 млн. га еририлди. Ер масаласининг бундай кескинлиги Россиянинг ташқи истилочилик сийосати туйғулди ўз ечимини топди. Узоқ вақт ва дворянларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир пайтда, Чор ҳукумати деҳқонлар қўзғололдилардан хавфсиз эди. Истилочилик натижасида эса уларни Кавказ, Сибирь ва хусусан, Туркистонга жойлаштириш мумкин эди. Расмий статистиканинг маълумотларига қара, Қозғоистон ҳудудидagi 45 млн. га ери қўриб келинган русларга берилган. XIX асрнинг 90-йиллари бошида Туркистонга кўчиб

## Хотин-қизлар ва илм-фан тараққиёти

қонлар маҳаллий деҳқонларнинг энг унумдор ерларидан сиқиб чиқара бошлиди, бунинг натижасида халқнинг норозилиги ва қаршилиги кучайди. Россия империяси томонидан Туркистоннинг истило қилиниши сабабларига мурожаат қилар экан, Англия билан мажур минтақадаги рақобат, пахтага бўлган эҳтиёж, босқинчиларнинг ўз таъбири билан айтганда, четараларни мустаҳкамлаш ва уларни Урта Осиё "қўчманчилари" ҳужумидан ҳимоя қилиши бу сабаблардан бири сифатида санаган одат бўлиб қолганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Лекин, бизнингча, бунинг асоси

ижтимоий ва ҳуқуқий асос яратиш борасидаги эътибори ҳамда ғамхўрлигини юқори баҳолаш ҳақида сўз юритилди. Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил 20 февралдаги "Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни тақомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳам ана шу мақсадга қаратилган.

Учрашувда ушбу ишга ёш олимларни ҳам кенроқ жалб қилиш, талабалар орасида истеъдодли ёшларни аниқлаш борасида олий ўқув юрглари билан янада яқин ҳамкорлик қилиш зарурлиги қайд этилди.

Учрашув иштирокчилари катта илмий тажрибага эга олимпиадаларни ёш авлод тарбиясида янада фаолроқ жалб қилишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқариш ва бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб туришга қарор қилинди.

А.ИВАНОВА, ўза мухбири.

# XX АСР — МУАРРИЖ

сый сабабларидан бири — ер масаласи. Рус деҳқонларининг эътибори 1861 йилда қалдар ернинг эгаллик ҳуқуқи бўлмагани ва уларнинг ўзи энг оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам мажур этилганлигини эъсалиди. Бунгача подшоҳлар муайян хизмат кўрсатган амалдорлар учун билан тақдирланган, бундан ташқари, у авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган. Улар эса крепостной деҳқонларга нисбатан ушай ҳайвонлар каби муносабатда бўлганлар: сотанлар ва ҳатто Гоголь қаҳрамони Ноздрев каби "този итлар"га алмашганлар. Ноилоқ аҳолига тушириб қолган рус деҳқонлари баъзида галаан кўтариб, помещикларни ўлдирганлар ва шеъирларнинг мулкига ўт қўйганлар. Сон-саоқоқсиз қўзғололлар (улардан энг йириклари бўлиш Степан Разин ва Емельян Пугачёвлар босқинчилигидаги қўзғололлар эъсалиди), шунингдек, табиқий тараққийларнинг сийосатчиларнинг подшоҳларга ўтказган таъсири ниҳоят бу соҳада ислоҳот ўтказишга мажбур қилди. 1861 йили Александр II томонидан манифест эълон қилиниб, крепостной ҳуқуқ бекор қилинди. Лекин бу деҳқонлар ерга эга бўлишлар, дегани эмас. Қиёсанг: 30 минг помещикка 64,7 млн. га ер мансуб бўлган ҳолда, 10 млн. деҳқон оилаларига деҳқон жомаларига пул тўлаб олиш эва-

зига 68,8 млн. га еририлди. Ер масаласининг бундай кескинлиги Россиянинг ташқи истилочилик сийосати туйғулди ўз ечимини топди. Узоқ вақт ва дворянларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир пайтда, Чор ҳукумати деҳқонлар қўзғололдилардан хавфсиз эди. Истилочилик натижасида эса уларни Кавказ, Сибирь ва хусусан, Туркистонга жойлаштириш мумкин эди. Расмий статистиканинг маълумотларига қара, Қозғоистон ҳудудидagi 45 млн. га ери қўриб келинган русларга берилган. XIX асрнинг 90-йиллари бошида Туркистонга кўчиб

эди. Бутун Туркистон буйича маҳаллий аҳолининг мажбур маршироқликка олиниши бу қўзғололнинг асосий сабаби бўлиди. Мазлумлик, бу вақтда I жаҳон уруши давом этар эди. Халқнинг сабр қосаи тўлди ва бу мустамақкачиликнинг устуниларини заифлаштирган энг сўғити кучли алағна бўлди. Ушбу қўзғололдан кейин ҳам фронт яқинидаги ишларни бажариш ва ҳарбий заводларда ишлаш учун Туркистондан 123 минг киши жўнатилди. 3 минг киши суд жавобгарлигига тортилди. Шундан 1 минг 588 киши ўлим ва турли муқдлатли қамоқ ҳазосига ҳужм қилиди. Ҳуж-

большевиклар Марказга бу ҳақда телеграф орқали ошқор хабар қилдилар. Бир тўда коммунистлар ва темирўй ишчилари қандай қилиб ҳокимият тўнтаришини амалга ошириши мумкин? Эҳтимол, айнан аҳолининг сийосий жаъраёнларда етарли миқдорда иштирок этмаганили, жаҳдларнинг сустқалини, сийосий ҳаракатлар ва партияларнинг етилмаганили, энг муҳими, метрополианинг ўзидagi тўнтариш большевиклар томонидан Туркистонда ҳокимиятнинг қўлга олинишини осонлаштирди.

Шунга қарамай, айнан большевиклик ва миллий-деҳқонлик қўлиш мажбур бўлишига, биз эски шаҳарни артиллериядан ўққа тўтидик, кейин эса қуролланган дашноқлар ва бошқа отрядларни киритдик. Натияжада талон-торож ва зулм-зўриқ бошланди, бундан аҳоли азият чекади.

Шундай қилиб, биринчи жаҳон уруши ва Европа мустамақкачилигининг янги даври вулқондай тўққиландиб турган Туркистонни ҳам четлаб ўтмади. 1917 йил воқеалари уни бефарқ қолдирмади — бу ерда мустақиллик ва эркинликнинг эълон қилиниши ўза мақсадга айлантирган қудратли миллий-тараққийпарварлик ҳаракатини вуқудга келтирди. Мамлакат гошлар, оқимлар тўқнашуви саҳнага айланди. М.Бехбудий, А.Фитрат, Мунававр Қори, Убайдулла Ҳўжаев ва бошқа миллий тараққийпарварлар қозғоистон қўлишга умид бошладилар, лекин қўл ўтмай Россия Муваққат ҳукумати ва унинг Туркистондаги вакиллари — Муваққат қўмига эски мустамақкачилик сийосатини давом эттиришга ишонч ҳосил қилдилар.

Большевикларнинг ҳокимият тепасига келиши асрнинг энг муҳим воқеаси бўлди. Инқилобнинг ўлкада оммавий ҳолда эъсалини, тараққийпарвар эмелиларнинг унга қизиқмаслиги, хусусан, халқнинг уқдан бетонақлигидан келиб чиқиб, "Туркистонда осон галабага эришиш" мумкинлиди бўлиб қўринди — маҳаллий

Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши, совет даври таъбири билан айтганда, "босмачилик ҳаракати"нинг таъкид этилиши ва ривожланишига олиб келди. Агарда бу ҳодиса шиддат билан анж олган очлик, қишлоқ ҳўжалиги, санюатнинг инқирози, аҳолидан нафақат ортиқча, балки сўғити озиқ-овқатлари ҳам тортиб олинган бир даврда ривожланганлигини назарда тутсақ, унинг нега оммавий тус олганини тушунамиз. Қуролланган пролетариат, яъни партия ва қўзғоланган халқнинг остида амалга оширилган "ҳарбий коммунизм" сийосати халқни қўшқоқлик даражасига туширди. "Ҳарбий коммунизм" нима эканлигини тушуниш учун иқтисоднинг коммунистик мафкура томонидан ўраб олинганлиги

## Шарқнинг буюк аёллари

Ҳазрат Навоий «Насоим-ул-муҳаббат» — «Муҳаббат шабадалари» асарида Шарқда яшаб ўтган аёллардан ўттиз бештасининг таърифини келтирди. Жумладан, Марям Бахрия, Ҳакима Дамашқия, Имраъун Хоразмия, Бибиҳанна Мунажжима каби суфийлик тарикатига кирган қаромат соҳибаларининг ҳаёт тарзи кўнгилларга эҳқ бағишлаганини баён қилди.

Сақсийичи асрда яшаган Робиа Адавия ана шундай аёлларнинг сарҳалқиси, сарвари эди. У бутун умри давомида муслималар қизлар тарбияси билан шуғулланди, шогирдларига дунёвий ва илоҳий илмлардан сабоқ берди. Робиа тасаввуфда олий мақомга етган орифалардан эди. У Ҳасан Басрий каби ўз замонасининг машҳур фозиллари билан бемалол мунозаралар қилди, аксар ҳолларда ғолиб бўлиб чиқарди. Робиа муаллимнинг ёрқин ҳаёти ҳақида халқ лафзидан ажиб ҳикоятлар сақланиб қолган. Бугун эътиборингизга уша ҳикоятлардан айримларини ҳавола этаймиз.

### Робианинг муножоти

Толби илмлардан бўлмиш икки йилит Робиани эинрат қилгани келди. Аллеи момони дасуруннинг бағиш эди. Қўрилари, икки нон турибди. Йилитлар олиқ йўл босиб келишган, қоринлари оч эди. Нафси шайтон хуруж қилди, нонга қўл чўз, дейди. Аммо уй бекаси иштифт кўрсатиб, дасурунга тақлиф этмайди. Йилитлар бир мулат сабр айлб ўтирдилар. Шу маҳал «Ҳақ дўст, ё олло!» деб бир гадо пайдо бўлди. Робиа ҳалиги иккига нонни гадога узатиб юборди. Меҳмон Йилитлар тантананча қолавердилар.

Меҳзон жим, йилитлар сукута. Бир замон ҳамсонинг оқсон хотини бир сават нон кўтариб кирди. Саватни Робианинг олдига қўйди.

— Бегойим сизга атаб насиба юбордилар, отин бий, — деди оқсон. Робиа саватга назар солди. Унда ўн сақсийта нон бор эди.

— Бу бизга эмас, адашибсиз, сингим, — деди Робиа. Оқсон қизарди, бегойимнинг марҳамати шул, дед қрасан ичди.

— Саватингиз олиб кетинг, — деди Робиа, — бизга олсонинг бутургани бор.

Оқсон саватни кўтариб чиқиб кетди. Анчадан кейин яна нон олиб кирди. Индамай Робианинг олдига қўйди. Саватдаги нон йилитларга эди.

— Бу бизга аталган экан, — деди Робиа. Йилитлар ўзаро қўз ўриштириб олдилар. Улардан бири юрак ютиб сўради:

— Бу ердиги сирга тушунмадик, муаллим. Ул саватни инкор этдингиз, бул саватни қабул қилдингиз?

Робиа деди:

— Сизларнинг оч-наҳор эканингизни сездим. Лекин иккигагина нонга тақлиф этгани уялдим. Нонни гадога бердим. Кейин Олло таолога мужат қилдим: «Эй парвардигори олам, сен менига бирини берсанг, мен ўн ҳисса қилиб қайтараман, дегурини узинсан. Инотиингнинг даринг тума!» дедим. Муножотим Яратганига эди. Кўнганидан насиба келди. Қрасан, ўн сақсийта нон экан. Ҳақ таоло бизларнинг ришқини кам қилмайди, йилитларга бўлиши керак, деб ўйладим. Аслида ҳамсон киритган нон йилитларга эди. Қани, дасурунга қарсонилар...

Йилитлар Робианинг қароматига яна бир қарра икор бўлдилар.

деди Робиа, — тагин нега мендан ҳўрадик, деб сўрайсан. Сен ўзиндан сўра.

Ҳасан Басрий ишдамди.

### Икки танга бирлашмади

Ҳасан Басрий бир куни Робианинг олдига келди.

Эй, Робиа, сен илми зоҳир эмас, илми бопилдан бир ҳикоят айтгани, мен обиданинг икор бўлай.

— Унда эинг, — деди Робиа, — неча кун танҳо ўтириб ил йилитинги. Қалава қилиб сотсам, бирон егулик оларман, деб ўйладим. Солдим. Икки кумуш танга бўлди. Бир тангани чап қўлимга, бир тангани ўнг қўлимга олиб сиқиб ўтирдим.

— Негани ундай қилдинг, Робиа?

— Негани, икки танга бир қўлимга бирлашса, шайтонга айланмасин, мени йўлдан уриб хор қилмасин, дедим. Бугун нафэ устидан қозонган талабам шу бўлди, Ҳасан.

### Балиқ ва кабутар

Ҳасан Басрийнинг Робиага кўнгли бор эди. Бирок Робиа рўйхушлик бермас, ўзини ишқи илҳўйига бағишлаб, дунёдан тоқ, ўнгини нийт қилган эди. Ҳасан эса, ўзининг устунлигини кўрсатиб қўйиш учун қудай фўрсат кўтиб юрар эди. Бир куни Робиага сув бўйида учратиб қолди.

— Кел, Робиа, икки ракат намоз ўқийлик, — деди Ҳасан ва кўлтиригани жойнамозни олиб ариққа отди. У, Робиа сув устига қдам босгани журғат этолмайди, деб ўйлаган эди.

— Эй, Ҳасан, бўнақ амал ўзини аллеи қўлиб кўрсатишга уринадиган, аслида нотавон кимсаларнинг иши, — деди Робиа ва жойнамозни сувдан олиб осмонга отди. Сақраб сажжодага қочди. Телада туриб Ҳасанин чорлади:

— Кел, Ҳасан, бу ёққа чиқ, икки ракат намоз ўқийлик.

Ҳасан ҳавола муаллақ турган сажжодага чиколмади. Робиа аста ерта қўйди.

— Эй, Ҳасан, — деди Робиа, — сеннинг илми балиқликка ўхшайди, бизнинг илмигиз кабуларга менгайди. Фисабиллаҳ, ҳақ бунча ҳам эмас. Гап — кўнглини Ҳаққа боғлаб, ҳусни мўтлақ дийдорига ноит бўлишди.

— Кел, Ҳасан, бу ёққа чиқ, икки ракат намоз ўқийлик.

Ҳасан ҳавола муаллақ турган сажжодага чиколмади. Робиа аста ерта қўйди.

— Эй, Ҳасан, — деди Робиа, — сеннинг илми балиқликка ўхшайди, бизнинг илмигиз кабуларга менгайди. Фисабиллаҳ, ҳақ бунча ҳам эмас. Гап — кўнглини Ҳаққа боғлаб, ҳусни мўтлақ дийдорига ноит бўлишди.

Ҳасан бош эгди.

### Уч буюминг хислати

Бир куни Робиа хизматкори орқали Ҳасан Басрийга уч хил буюм юборди: шам, игна ва соқ таласи. Икки кун ўти. Учинчи кун Ҳасан ҳалиги буюмларни кўтариб кириб келди.

— Робиа, — деди у, — икки кун ўйладим, вале нимага ишора қилганингни тушунмадим.

Робиа жавоб берди:

— Бўнинг маъноси осон. Бамилли шам бўлиб одамларга еруелик тарқатиб яшанган. Ҳақ йўлида шамдай ёниб тамом бўлсанг ҳам ўқинма. Йнсон бўлсанг, игнадек тинмай меҳнат қилгин. Агар сен савоб ишлар қилганига соқ таласидек яқин бўлсанг, яқин номинг дунё турғуча туради.

Бу гапдан кейин Ҳасанинг Робиага муҳаббати оз чандон зиёда бўлди.

Саъдулла СИЕВ.



Тойлоқ тумани аҳолиси тажрибали шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Умиркул Қаримовни яқши билишоди. Яқинда туманда фойдаланишга топширилган кўп тармоқли «Тошқул бобо» ҳусусий шифохонаси айнан Умиркул ақанинг машаббуси билан ишга тушди.

Жорий йилнинг «Қариларни қадрлаш йили», дед эълон қилганиниги муносабати билан ушбу шифо масқанида қарилар бепул даволанадилар.

СУРАТЛАРДА: қарилар дуоси; шифокор Мартаба Қаримова.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



**Уруглик ўзларидан чиқади**

Фаргона водийсида биринчилардан бўлиб гадала топшириш режасини бажарган Андижон ва Ўзбекистон туманларида гадала ҳосилнинг асосий қисми уруглик учун ажратилган бўлди. 3830 гектар ерга барақа уруги қалаган Андижон тумани гадалкорлари 12 минг тоннадан зиёд ҳосил топшириб, режани 102 фоидага улдладилар. Ўзбекистон туманларида гадала ҳосилнинг асосий қисми уруглик учун ажратилган бўлди. 3830 гектар ерга барақа уруги қалаган Андижон тумани гадалкорлари 12 минг тоннадан зиёд ҳосил топшириб, режани 102 фоидага улдладилар. Ўзбекистон туманларида гадала ҳосилнинг асосий қисми уруглик учун ажратилган бўлди. 3830 гектар ерга барақа уруги қалаган Андижон тумани гадалкорлари 12 минг тоннадан зиёд ҳосил топшириб, режани 102 фоидага улдладилар.

Ҳозир ҳар икки туманда ҳам ўрим-йғим ишлари авжида.

М. ТОЖИЕВА.

## ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

2002-2003 ўқув йилига қуйидаги йўналишлар бўйича қабул эълон қилади

Кириш имтиҳонлари:

кимё, математика, она тили ва адабиёт (кимёвий технология, озик-овқат технологияси, нефть ва нефть-газга қайта ишлаш технологияси, касб таълими); математика, чет тили, она тили ва адабиёт (менежмент); математика, физика, она тили ва адабиёт (атроф муҳит муҳофазаси, ёғочсозлик саноати технологияси, машиналари ва жиҳозлари, информатика ва ахборот технологияси).

Хужжатлар 2002 йил 20 июндан 20 июлгача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

### Бакалавриатура

- кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича) — кундузги, сиртки;
- нефть ва нефть-газга қайта ишлаш технологияси — кундузги, сиртки;
- ёғочсозлик саноати технологияси, машиналари ва жиҳозлари;
- озик-овқат технологияси (маҳсулотлар турлари бўйича) — кундузги, сиртки;
- атроф муҳит муҳофазаси;
- менежмент (соҳалар бўйича);
- касб таълими (таълим йўналишлари бўйича);
- информатика ва ахборот технологияси.

### Магистратура

- ёғочсозлик технологияси ва жиҳозлари, ёғочшўнослик;
- юқори молекуляр бирикмалар кимёвий технологияси;
- пластмасса ва эластомерларни қайта ишлаш технологияси;
- целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш технологияси ва жараёнлари;
- нефть маҳсулотларини тозалаш ва улар рекуперацияси;
- нефть ва газни қайта ишлаш ва унинг кимёвий технологияси;
- нефть ва газни қайта ишлаш корхоналарининг экологияси;
- ноорганик моддалар кимёвий технологияси;
- минерал ўғитлар кимёвий технологияси;
- камёб ва тарқоқ материаллар кимёвий технологияси;
- силикат ва қийин эрийдиган нометаллар кимёвий технологияси;
- керамика ва оловбардош материаллар кимёвий технологияси;
- боғловчи материаллар кимёвий технологияси;
- кимёвий технология жараёнлари ва усқуналари;
- ёғларни қайта ишлаш технологияси;
- ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси;
- вино ишлаб чиқариш технологияси;
- спирт технологияси;
- консервланган озик-овқат маҳсулотлари технологияси;
- дон ва бошқа ўсимлик маҳсулотлари технологияси;
- умумий овқатланишни ташкил этиш ва унинг технологияси;
- менежмент (соҳалар бўйича);
- атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича).

Хужжатлар 2002 йил 1 июлдан 30 июлгача қабул қилинади.

Қўшимча маълумотларни қабул комиссиясидан олиш мумкин. Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй. Телефон: 144-79-30.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, қабул комиссияси (мулжал: «Хадра» майдони).

лиралиев, С.Ҳўжахонов каби давлат арбоблари миллатчиликка айбандилар. Кейин «иноғомчилик», «18-лар гуруҳи», «космобичлик» каби, асосан иқтисод ва сиёсат соҳасида ҳукумат сиёсатидан норози гуруҳларга бошчилик қилган кишилар фамилияси билан аталган «ишлар» тўқиб чиқарилади. 1929 йил охирида машҳур маърифатпарвар Мунаввар Қори бошчилигидаги «Миллий истиқлол» яширин ташкилоти аъзоларини қамоққа олиш бошланди. Мазкур ташкилотнинг қамоққа олинган 85 аъзосидан 15 таси отиб ташланди, қолганлари эса ахлоқ тузатиш лагерларига жўнатилди. «Миллий истиқлол» ташкилотининг Рашид, Носир Саидов, Боту, Ҳосил Восилов, Собир Қодиоров ва бошқа аъзолари ўлимга ва узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳўк қилинди. Буларнинг барчаси, айниқса, маҳаллий пешқадим зиёлилар совет ҳокимияти сиёсатини тан олмаганлари, ўзларининг миллий тарихий ҳўяларини илгари суришга уринганиданлигини кўрсатди. Тоталитар бошқаруving каттагон машиниси уларнинг ҳаётига нуқта қўйди. Бутун Иттифоқда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам қўрқув, гумонсанар ҳолати ҳўкмонлик қилди. Совет мафқураси тамомидан синфийлик асосига қўрилган. Андижоний бўлиниш мавжуд эди: мишчилар, деҳқонлар, зиёлилар табақаси. Қолган барча кишилар иккинчи даражаси ҳисобланар, баъвалат одамларга ўтмиш қолдирин сифатида қаралиб, улар душманлик, назб ва нафрат муҳити билан ўраб олинган эди. Жамоалаштириш йилларида «қулоқ қилинган» ва сургунга ҳайдалган ўзига тўқ деҳқонлар — «қулоқлар» ҳам шу тоифага киритилган.

Биргина 1930-1933 йиллар мобайнида 40 минг деҳқон ҳўжалиги қулоқ қилинди, улардан 31,7 минг киши репрессияга учради. Репрессия қилнган «қулоқлар» мамлакатнинг ақоли кам яшайдиган минтақаларига, Шимолий Кавказ, Украина, Сибирнинг махус поселкаларига жойлаштирилди. Кейинчалик, 1933-1934 йилларда колхозлардан «синфий» душманлардан тозалаш жараёнида қўшимча равишда яна 60 минг деҳқон репрессия қилинди. Буларнинг барчаси ва умуман олганда, жамоалаштириш чорвалар сони, бугдой, озик-овқат этиштиришининг кескин камайишига сабаб бўлиб, қишлоқ ҳўжалигига ўнлаб бўлмаз катта зарар етказди. Бу 1935

Диплом АЛИМОВА, Александр ГОЛОВАНОВ. (Давоми бор).

манзарасини кўз олднгизга келтиринг. Алғов-далғов. Кеча-кундуз тиним билмай, эркин бозорни ўзгартиришга беҳуда уринган чарм куртка-ийуқисс комиссарлар. Шундай ижтимоий-иқтисодий шароитларда 30-йилларнинг ўрталаригача давом этган совет ҳокимиятига қаршилик кўрсатиш ҳаракати пайдо бўлди. Бунга яна мафқуравий шарт-шаронини ҳам қўшимиз. Совет ҳокимияти вақфларни тутатди, диний мактабларни ёпди, қозилар судини таққилла, «Хўжум» номи остида хотин-қизларни озод этишни эълон қилди.

Қаршилик кўрсатиш тараф-

## НИГОҲИДА

Тарихий хотирасиз келажак йўқ

дларди сафнда совет ҳокимиятидан норози деҳқонлар ҳам кўп эди. Мадамнибек армиясида 30 минг йилит бўлган. Фаргона водийси бўйича умумий миқдори 70 мингдан ортиқ қўлга киритилган фашистлар кўрсатган.

Бухоро минтақасида 40 мингдан кўп, Хоразмда эса 20 мингдан ортиқ кишилар қаршилик кўрсатиш ҳаракатларида қатнашганлар. Албатта, қаршилик кўрсатиш ҳаракатлари тартибсиз, яқши ташкил қилинмаган бўлиб, турли гуруҳлар ҳаракати ўзаро мувофиқлаштирилмаганидан билан акробиб турарди. Бунинг устига, бошчиқлари ўртасидан ягона раҳбарлик учун ички кураш, етарли даражадаги маълумотнинг йўқлиги улар ички нақам илгор-демократик ҳаракат бўлган деиш учун бизга ҳўққ бермайди. Уз интеллектуал ҳусусиятига қўра, у 1917 йил февралди арафасидаги миллий-сиёсий ҳаракатлардан анча паст туради. Шу билан бирга, у қизил армия ва янги ҳокимиятга қарши ҳақийқий умимиллик қурани эди. Ушлар даражасидаги партиз ҳўжатларида деҳқонларнинг бу қадар «Босмаччиликнинг асосий давом этишининг асосий сабаби ақолиннинг ўзи сўнги вақтга босқинчиларга нисбатан ўзининг жиддий сўзини айтмагани ҳисобланади», деб оқиб қайта этилган. Бошқача айтганда, ақоли қаршилик кўрсатувчиларни

қўллаб-қувватлади ва «орзу-истақларига қарши ўлароқ, келгиндилар сиймосида эски зулмдан халос қилувчилар ва пролетариатнинг умумий диктатурасига етакловчиларини кўриши мумкин эмас, аксинча, улар қиёфасида ва диний эътиқотида бўйсуниништа йўл қўймайдиган янги тоифаларга асосатта солувчиларни қўрган эди». Шунингдек, «қадикатан ҳам, салоҳиятли сиёсий ҳодимлар билан бир қатарда, бу ерга ҳўқ қадар тарих ва жумладан, Туркистон тарихи билан мўтлақ нотаниш, тушунишаси паст ишчилар, қизил армиячилар ва матрслар ҳам келгани», улар «махсус

шимчилик билан ўтказилган ва конституцияларда тантанали равишда эълон қилнган республикалар ҳўққи Марказий ҳокимият томонидан ҳўдан ташқари қечлаб қўйилди. Сталин диктатураси, Янги иқтисодий сиёсат (НЭП)нинг беқор қилиниши, ҳад-ҳисобсиз қатоголар, янги тоифаликка қарши кураш (бунда маданиятнинг ўтмиш айналариди асосида ривожланиш кўза тутилди), деҳқонлар устидан эъравонлик қилиш, эски анъанавий тартибларни бузиш билан бирга қишлоқ ҳўжалигини жамоалаштириш, ҳўдан ташқари «юқори» суръатлар билан ўтказилган ва кўп мин-

булимлар ташкил этган органлар ва Рязань губерниясида қўллнган, лекин Туркистон учун яроқсиз бўлган Фавқулодда қўлимга орқали қишлоқда иқтисодий қурқлаштиришга» киришгани келди қилинган. Бу кимсалар ақолига ўтказган ярамас жабр-зулмларга батафсил тўхталадиган бўлсақ, уларнинг «қадрамонлик»лари тўғрисида бир дунё қозонни қоралашга тўри келди. Масалан, Самарқандда «жазо органлари ўртасида уларнинг қайси бири тунда маҳбусларни қўрқоқ отиши бўйича мусобақа бўлган». Амалда «келган ҳодимлар мамадактининг қадимий анъаналарини оқоти қилиб, муслмон тузумининг асрий дараҳтини ўйламай-нетмай чопишга тушдилар, кекса диний мутаассибнинг диний ҳис-туйғуларини топташ билан, эҳти-молки, салкам бир йил ичиди ундан интернационалишти этиштиришини ҳўққалдилар». Бошқа бир ҳўжжада ёзилган «четлаштириш, жазолаш, таққиллаш — айрим шахсларнинг дунёқараши ва сиёсий таассуларни ана шу уч сиёсат асосланган». Большевикларнинг ўзлари Туркистонда юргизган сиёсатлари нотўри эканигини эътироф этишга мажбур бўлган эдилар.

СССР ташкил этилганидан кейин ҳам халқимиз сиёсийларнинг «ички шаробини талтоқ қилди: «юқоридан» ўзо-

1935

Мен еганим йўқ

Муродбой НИЗАНОВ

ҳажвия

Бир кун мен ички ишлар бошқармасининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимининг ходими қабулхонасига чақирди. Бордим. У очик чеҳра билан кутиб олди. Уриндик қўйиб берди. Чойни ҳозиргина дамалаган, шекилли, қайтариб-қайтариб, менга бир пиёда чой узатди.
- Ҳў, оқсоқол, айтаберинг-чи, — деди сўнг.
Хайрон бўлдим:
- Нимани айтишим керак?
- Ҳужумбетов Авазбой, тери ишлаш корхонасининг директори. Сизми ахир?
- Ҳа, ҳа.
- Сиз бўлсангиз, ниманига тушунмайсиз? Ҳужумбетов айтишувни қўйиб, ёшулли, сиз бошчилик қиладиган идорада ўтган беш-олти йил ичида ярим миллион пулни еб қўйгансизлар. Мана, қўлимда тафтишнинг акти турибди.
Йўғ-е, — деб мўчиб тушдим, — ярим миллионга етибми?

— Ҳа-да, оқсоқол! Ортиқча тағириб юборганими шу ерда сезиб қолдим. Лекин энди кеч эди.
- Астафурullo!
- Астафурulloни аввалроқ уйлаганимизда бунчалик бормаган булардингиз!
Ешгина ходимчининг гапи сўнгидан ўтиб кетди. Лекин чора йўқ, тил қисқа.
- Ешулли, шунча пулни еяётганингизда, «Осмонда худло, ерда ҳукумат бор» деб уйламадингизми?
- Мен еганим йўқ, иним.
- Ҳим-м... Сиз эмасангиз, унда ким, Пушкин еганим? Эки Бердақми?
- Энди тушунтириб айтмасам бўлмайди, шекилли.
- Утган йили идорамизга текширувчилар келди, ўн кун ётиб текширишди. Сўнг эса: «Ешулли, уч юз миңг камомал бор экан, нима қиламиз?» дейишди. «Нима қилишимиз керак?» деб, узаридан сўрадим. «Одамгарчилик қилсанг, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолавераси, қопқонини очмай кетавермас», дейишди. «Одамгарчилик»нинг баҳоси юз миңг сўм бўлди. Аввали йили келган текширувчилар икки юз миңг камомал топди. Яна юз миңгнинг баҳаридан ўтишга тўри келди.
Ходим оғзи қулоғида, илжайиб ўтирарди.
- Эртагингиз тугай деб қолдимиз, оқсоқол?
- Нега эртақ булар экан, бари бор гаплар-ку!
- Яхши, шуларни бўлган гаплар дейлик. Уша камомал деб топилган икки юз миңгнинг ким еди?
- Текширувчилар.
- Нима, сиз тўтиқушимиз, бир гапни ҳадеб такрорлайсиз? Текширувчилар, текширувчилар... Улар юз миңг сўм олишган экан-ку.
- Юз миңгни олганлар — бошқалар, мен бошқаларни айтаялман.
Ходим чидамай ўридан турди-да, яна сизга тугатди.
- Ҳўп, яхши, ярим миллионни юз миңгга олиб келдингиз. Лекин, юз миңг сўм дегани ҳам пуд-ку, ахир. Давлат корхонаси — бу катта тоғаниннинг чўнтағи эми!

Хуллас, савод-жабовнинг кети урилмасди. Ходим чарчаган қўйи бошини чангаллади.
- Нима қиламиз энди? — деди.
- Нима қилиш керак? — дедим мен.
- Нима қилишни ўзингиз биласиз-ку...
Беш-олти йилдан бери текширувчиларнинг қўшқовидан нима сўраётганига роса ўрганиб қолган эканман, қўлимни қўлга ташлагандим савод-жабов тугади.
- Эҳ, Авазбой оға, — деди ходим мени кузатар экан. — Ҳўп аойиб одам экансиз. Турунтингизни тинглаб, худди кино кўргандай маза қилдим-а.
- Мен ҳам елкаман тоғ қулагандай енгил нафас ола болашим.
- Лекин, оқсоқол, билиб қўйинг, — деди у хайрлашаркан қўлимни сиқиб. — Боягини мен еганим йўқ.
- Бўлмаса, ким еди? — дедим кулиб.
- Текширувчилар! — деди, қўлимни қаттиқроқ сиқар экан.
Бу тил топшиганимиздан дарак эди. Шуниси-ям шукур!
Акс ҳолда...
Текширувчилар бор бўлиши!

Қорақалпоқчадан Музафар АҲМАД таржимаси.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

2002-2003 ўқув йили учун Давлат грантлари ва тўлов контрактлари асосида бакалаврият таълим йўналишлари ва магистр мутахассисликлари бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БАКАЛАВРИАТ ЙЎНАЛИШЛАРИ: ҚУНДУЭГИ БЎЛИМГА:

Касбий таълим: Агромуҳандислик; қишлоқ ва сув хўжалиги энергетикаси; ер тузиш ва ер кадастри; сув хўжалиги ва мелiorация, Иқтисодиёт (соҳалар бўйича); Менежмент (соҳалар бўйича); Маркетинг (соҳалар бўйича); Бухгалтерия ҳисоби ва аудит; Электрэнергетика; Гидроэнергетика; Энергия тежаш, электротехника тизимлари ва мажмуалари; Геодезия, картография ва кадастр; Агроинженерия; Сув хўжалиги ва мелiorация; Сув хўжалиги ва мелiorация ишларини механизациялаштириш; Фермер хўжалигини ташкил этиш ва унинг техник сервиси; Бинолар ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича); Ер тузиш ва ер кадастри; Атроф муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича); Ҳаётий фаолият хавфсизлиги; Экология ва табиатдан фойдаланиш.



СИРТҚИ БЎЛИМГА:

Касбий таълим (агромуҳандислик); иқтисодиёт (соҳалар бўйича); Менежмент (соҳалар бўйича); Маркетинг (соҳалар бўйича); электр таъминоти (соҳалар бўйича); энергия тежаш; электротехника тизимлари ва мажмуалари; агроинженерия; сув хўжалиги ва мелiorация; мелiorация ва сув хўжалиги ишларини механизациялаш; фермер хўжалигини ташкил қилиш ва унинг техник сервиси; ер тузиш ва ер кадастри; атроф муҳит муҳофазаси (соҳалар бўйича); экология ва табиатдан фойдаланиш; ҳаётий фаолият хавфсизлиги.

МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ

ҚУНДУЭГИ БЎЛИМГА:

Тармоқлар иқтисодиёти; бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); маркетинг (соҳалар бўйича); электр таъминоти (тармоқлар бўйича); ўрта ва кичик ГЭСлардан фойдаланиш; машина ва механизмлар назарияси; гидравлик машиналар ва гидроневоагрегатлар; деҳқончиликни механизациялаш; чорвачиликни механизациялаш; қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш; қишлоқ хўжалик махсулотларини сақлаш ва қайта ишлашни механизациялаш; яйлов ва ўрмон яйлов хўжаликларини механизациялаш; касб-хунар фанларини ўқитиш методикаси (агроинженерия); технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича); қишлоқ хўжалигида электр жиҳозларини ишга солиш ва таъмирлаш; гидромелиорация; мелiorация, рекультивация ва ерлар муҳофазаси; гидромелиорация тизимларидан фойдаланиш; сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларнинг муҳофазаси; мелiorация ва суғориладиган ерлар деҳқончилиги; сув кадастри; гидротехника ва мелiorатив қурилиши; селга қарши ва доимий иншоотлар; гидроэлектростанция иншоотлари ва бинолари; фермер хўжалигини ташкил этиш; фермер хўжалиги инженерлик иншоотлари; фермер хўжалигига сервис хизмати кўрсатиш; ер тузиш ва ер кадастри; атроф муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича); гидротехник иншоотлар.

Институтга кириш истагида бўлганлар қуйдаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- Ректор номига ариза;
Урта маълумоти ҳақидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси (бакалавриатга кирувчилар учун);
Олий маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ва синов қайдномасидан кўчирма (магистратура мутахассислигига кирувчилар учун);
3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат;
086-у шах.идаги тиббий маълумотнома.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги ҳақидаги паспорт ва хизматга алоқадорлиги тўғрисидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати бакалавриатга кирувчилар учун 2002 йил 20 июндан 20 июлгача, магистратурага кирувчилар учун 2002 йил 1 июлдан 31 июлгача.

Тест синовлари ўтказиладиган фанлар бўйича консултациялар 2002 йил 26 июндан 30 июлгача ўтказилади.

Ўқишга кирувчилар учун тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бакалаврларнинг қундузги ва сиртқи бўлимларига 2002 йил 1 август куни ўтказилади.

ТЕСТ СИНОВЛАРИ БАКАЛАВРИАТ УЧУН:

- Иқтисодиёт, менежмент, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби ва аудит йўналишлари бўйича: математика, чет тил, ана тил ва адабиёт.
Экология ва табиатдан фойдаланиш йўналишлари бўйича: биология, ҳимия, ана тил ва адабиёт.
Қолган йўналишлар бўйича: математика, физика, ана тил ва адабиёт.

МАГИСТРЛИК УЧУН:

- Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти асослари, мутахассислик фанларидан ўтказилади, имтиҳонлар 2002 йил 1 августдан 10 августгача ўтказилади

Институтга танлов ва абитуриентларни талабалikka қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига қабул қилиш тартиби ва қоидалари ҳақидаги низоми" ва "Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисидаги низоми" асосида амалга оширилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Институт манзили: 700000, Тошкент шаҳри, Т. Кори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Маълумотлар учун телефонлар: 137-09-85, 137-19-82.

«ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИ ЭШИТАДИ Тезкор маълумотлар изидан

Давлат солиқ қўмитаси навбатчилик қисмида «Ишонч» телефонлари тинмай жингиллаб турибди. Камчиликларга муросасиз фуқаролар узлари кўрган ва билган қонунбузарликлар, юз бераётган исхакликлар ҳақида қисми ходимларига маълум қилиб бормоқдалар. Маълумотлар олинши билан уларнинг қанчалик ҳаққонийлигини текшириш учун тезкор ходимлар дарҳол жойларга чиқиб кетмоқдалар.

Рўйхатдан ўтмай...

Фарғона вилоятининг Риштон туманидан тушган тезкор маълумотда фуқаро Жалолоддин Мансуров тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишининг белгиланган тартибни кўпол равишда бузётганини билдирилган эди. Туман солиқчилари ўтказган текширув давомида маълумотда келтирилган ҳолатлар тасдиқланди. Ҳақиқатан ҳам, Ж. Мансуров давлат рўйхатидан ўтмай ёғонин қайта ишлаш чеки ташкил этиб, даромадини солиқдан яшириб келётган экан.
Текширув ўтказилган кунни ҳисобга олиб 140 миңг сўмлик тайёр махсулот ҳамда мосламалар далайли ашё сифатида олинди. Ушбу ҳолат юзасидан тупланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасига юборилди. Ҳозир сурштирув ишлари олиб бориюмоқда.
Давлат рўйхатидан ўтмай яширинча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган кўчонлик фуқаро Ҳабибулло Убайдуллаев ҳам «қўйиб» қолди. У уй шароитида полистилен махсулотлари ишлаб чиқаришга киришган эди. Солиқчилар ноқонуний ҳисобдан 2 миллион 56,3 миңг сўмлик махсуе мосламалар ва тайёр махсулотларни рўйхатга олдидлар. Тупланган материаллар вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасига юборилди. Солиқ тўлашдан қочиб, яширин даромадга ружу қўйган сохта тадбиркор энди тегишли жазосини олади.

«Багира» ҳомий экан

«Ишонч» телефонига тушган тезкор маълумот асосида Жиззах вилояти давлат солиқ бошқармаси ва вилоят Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ўтказган тадбир давомида яна бир яширин ёғ чеки фаолиятига чек қўйилди. Қўлбода пех Жиззах тумани У. Ҳотамов номли жамоа хўжалиги Ейилма қишлоғидаги бурдоқчилик фермаси ҳудудида ташкил этилган эди. Унга «Багира» ҳуусеий фирмаси раҳбари А. Маринин ҳомийлик қилар экан.
Тадбир қатнашчилари сотувга тахт қилиб қўйилган 200 килограмм пахта ёғи, 12 дона 200 литрлик темир бочка, мой жувоғини ҳаракатда келтирувчи генератор, ёғ дорашиғирувчи ҳуусеи ва бошқа жиҳозларни рўйхатга олдидлар. Текшириш давомида ўринча йўллар билан олиб келинган салт-қон 9 тонна чигитдан 8 тонна пахта ёғи ишлаб чиқарилганлиги, электр энергиясидан бепул фойдаланиб, давлатга 5,6 миллион сўм зарар келтирилганлиги тасдиқланди ва ушбу ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Бахмал тумани Урой қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Шухрат Болтевиннинг ноқонуний равишда йодланмаган туз махсулоти билан савдо қилаётганлиги тўғрисидаги маълумот ҳам тасдиқланди. Далайли ашё сифатида унинг қондонидан 7,3 тонна туз махсулоти олинди. Тупланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман судига юборилди.
Солиқ хизмати идораларида ўрнатилган «Ишонч» телефонлари узлуksиз ишлаб турибди. Ҳўққубузарликка қарши курашда солиқ хизмати ходимларига ҳамкор ва маъдорок бўлинг. Давлат солиқ қўмитасида ўрнатилган 144-99-98, 144-99-22, 144-97-16, 144-98-60, 144-97-15 рақамли «Ишонч» телефонлари қўнғирчиликни кутмади.

Жасур НОСИРОВ, Давлат солиқ қўмитаси Матбуот хизмати бош мутахассиси.

Самарқанд вилоятида шаҳар ва кўрғонларни ободлаштириш, йўлларни кенгайтириш ва таъмирлашга катта эътибор берилмакдир. Бу, айниқса, вилоят автомобил йўлларидан фойдаланиш бошқармаси ишида яққол кўзга ташланмоқда.

Яқинда йўлсозлар шаҳарнинг эски ва янги қисмини боғловчи Охунбобоев кўчасида таъмирлаш ишларини тугаллади. Эътиборли томони шунданки, авваллари асфальт ётқириш учун зарур бўлган шағал 20-25 чақирим узўқликдаги Қорадарё соҳилдан келтирилди. Энди эски асфальт қопламаси қўнғириб олиниб, Германиядан келтирилган ускуналар ёрдамида шу ернинг ўзига қайта ишланмоқда. Бу нафақат вақтни, балки миллион-миллион сўм маблағни ҳам тежаш имконини бермоқда.
Малика УСМОНОВА.

САВОЛ БИЗДАН...

«Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмаси қачон ва қаерда ўтказилган?
136-35-60

Кечяги сонда берилган саволнинг жавоби:
Пряк Кабо-Верде (Ғарбий Африка)нинг пойтахти.
Бу ҳақда бизга биринчи бўлиб тошкентлик Элдор Расулов қўнғироқ қилди.

«КЕШ» ОХЖ акциядорлари диктанта!

«КЕШ» ОХЖ акциядорларининг 2001 йил якунлари бўйича аввал ўтказилиши белгиланган умумий мажлиси 2002 йил 27 июль соат 14.00 га қўчирилади.
Кузатув кенгаши.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини левонин жамоаси левонинг масъул ходими А.О.Осмоновга акаси Даврон ОМОНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат акциядорлик «Узўйжой-жамгармабанк» жамоаси банкнинг шаҳар бўлими ходими Шохидла Маълиновага, унинг оғла пўзолари ва яқинларига фараздан

Дилмурод МАВЛЯНОВНИНГ бевақиф вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Хорижий мамлакатларга эшиттиришлар бошқармаси жамоаси суҳандон Лола ҲОШИМОВАГА акаси Абзал ҲОШИМОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ёрмойтмаксинаот» уюшмаси жамоаси уюшманинг бўлими бошлиғи Асқар Саримсоққўжаевга умр йўлдоши Ашра СаримсоққўжаеванинГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Автомобиль-йўллар институти жамоаси маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проктори Фозил Зокировга падари бузрукворни Тоҳир ЗОКИРОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия билдиради.

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАБОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сўсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар — 136-29-89; 133-07-48;
Фан, соҳақни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 576, 36491 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — М. ҲОЛИМАТОВА.
Мусаҳҳих — М. СУЛАЙМОНОВА.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
Т — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилади — 21.30.
1 2 3 4 5 6